

КИНОЯ ЛИНГВОСТИЛИСТИК КАТЕГОРИЯ СИФАТИДА

*М.Зайниддинов,
СамДЧТИ ўқитувчиси*

Ифода тасвир воситалари тизимида киноянинг ўзига хос ўрни бор. Зотан мазкур тасвир усули ифода мақсади ва таъсир кучига кўра бошқа тасвир воситалари билан муайян даражадаги узвийликни ҳамда фарқли жихатларни ўзида мужассам этади. Киноя ҳақида фикр ютар эканмиз бу борада айтилган кўплаб қарашларни, мулоҳазаларни қайд этиб ўтиш ўринлидир.

Киноя ҳақида фикр билдирганида С.И. Походня, унинг муаллиф ёки сўзловчи томонидан олдиндан режалаштирилганлиги, ўйлаб қўйилгани, нутқий шакллантирилгани каби белгилари мавжуд бўлишини қайд этади. Шу боис ҳам киноя мавзунинг умумий ҳолатини бошқаради ва унинг ҳар бир алоҳида моменти учун ҳам аҳамият касб этади [1, 22].

Г.В.Колшанскийнинг хулосаларига кўра, киноя жумланинг коммуникатив планида матннинг тафаккур билан боғлиқ аспектларини, ундаги коммуникатив талаб, буйруқ ва бошқа белгиларни аниқ ифодасини етказишга хизмат қилади. [2, 22].

Муаллифнинг кинояли фикрни ифодалашади ўз интенцияси, яъни кинояли жумлани тузишдаги фикрларни акс эттириши, нутқ мазмуни ва унда мужассам бўлган объектдаги лисоний меъёр, айти мақсадни амалга ошириш учун шакллантирилган матн киноянинг ифода объектидир.

Қайд этиш мумкинки, кинояли матннинг шаклланишида тил бирликларининг нутқий фаоллик олишида луғавий бирликларнинг аниқ контекстуал қимматга эга бўлиши қайд этилади.

Бу борада В.В.Виноградов қарашларида нутқий курилмаларнинг бадий асарлардаги таркибий тузилмаси ва унинг мазмуний мундарижаси

муаллифнинг нуқтаи назари ва муносабатига таяниши асосли қайд этилади. [4, 85].

Х. Вайнрихнинг қарашларида кинояли ифода учун лисоний моҳият ифода плани билан контекстуал ва ситуацион аспектда узвий бўлмоғи лозим.

Кинояли фикр шаклланишида контекстуал моҳиятнинг мазкур матн компонентларининг коннотатив ва ассоциатив муносабатларига ҳам боғлиқ. Жумланинг шаклланишида Г.В.Колшанскийнинг қарашлари асосида айтганда, ҳар қандай жумла муайян ҳаракат ва ҳолатнинг ифодасидан иборатдир. Жумла, шубҳасиз, қайсидир мулоқот акти доирасида шаклланади. Мазкур вазият нутқ мақсади ва ўрнидан келиб чиққан ҳолда ўзига хос реаллик билан боғлиқ хусусиятни ифодалайди [2, 29].

Кинояли фикрнинг шаклланиши жумланинг коммуникатив йўналтирилгани билан ҳам боғлиқдир. Чунки бундай фикр билдиришимизнинг ҳам ўзига хос асослари бор, албатта. Бунда жумла тузилишининг ўз компонентларининг қайси ўринда, қандай жойлашишига, яъни пропозитив шаклланишига боғлиқдир. Мазкур ҳолат ифоданинг кинояли бўлишида ва унинг қандай фикр етказилишидаги ўрни ўзига хослиги билан боғланади. Киноя ифодаланишининг асослари тил структурасининг турлича сатҳлари бирликларининг фаоллашуви билан боғлиқ. Шу нуқтаи назардан қаралганида, ушбу мақсадни мужассам этган контекст қайд этилган хусусиятларни ифодалашга қодир бўлмоғи лозим [3].

Албатта, киноя ҳақида фикр билдирилар экан, бу ифода тасвир воситасининг ифодаланишида мураккаб ва юксак маданий ифода масъулияти мавжудлигини алоҳида қайд этишни ўринли деб ҳисоблаймиз. Бунда ўзига хос ва баъзан бетакрор кинояли ифодаларнинг шаклланиши ва коммуникатив акт нуқтаи назаридан юқори даражалаи фалсафий, эстетик коммуникатив вазифани бажариши ўрни билан кулги ва ақлий таъсир кўзғатиши алоҳида хусусиятлардир. Шу боис ҳам мазкур ифода воситаси таркибида пропозиционал ва присуппозиционал аспектлар мужассам саналади. Шундай экан, кинояни муайян концепт сифатида эмас, балки уни кенг тармоқли

категория сифатида ўрганиш масала моҳиятини кенг ва аниқ тасаввур этиш имконини беради.

Айтиш жоизки, тулиқ ёки қисман кулги кўзгатувчи мазкур категория кишиларнинг ўзаро коммуникатив муносабатларида кўзланган ва кутилган натижаларга эришиш йўлларида бирини тақозо этади. Шунинг учун ҳам жамиятнинг турли тармоқларида унинг имкониятларидан ўринли ва мақсадли фойдаланиш ижтимоий аҳамият касб этади. Баъзан унинг ўрнини мулоқотда бошқача ёндашув бажара олишга қодир бўлмаслиги ҳам мумкин. Ана шу хусусияти билан мазкур категория ўзига хос ижтимоий характерга эга ва эстетик мақоми билан бошқа ифода тасвир воситаларидан фарқланиб туради.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Походня С.И. Языковые виды и средства реализации иронии// Походня С.И. – Киев: Науковая думка, 1989. -128 с.

2. Колшанский Г.В. Контекстная семантика // Колшанский Г.В. – Москва: Наука, 1980.

3. Сердюк А. Способы выражения юмора, иронии и сатиры и модели их перевода на занятиях по болгарской литературе // Пловдивски университет „Паисий хилендарски“ – Болгария научни трудове, том 49, кн. 1, сб. г, 2011 – филология, paisiy hilendarsky university of plovdiv – bulgaria research papers, vol. 49, book 1, part d, 2011 – languages and literature

4. Xayrullayev, X. Z., & Esanov, S. (2022). TALABALARNING INGLIZ TILI TARIXINI O‘RGANISHDA LINGVOKULTURAL KOMPETENSIYALARING RIVOJLANISHI. Eurasian Journal of Academic Research, 2(5), 566-571.

5. Хайруллаев Хуршидjon Зайниевич, & Курбонова Рахима Абдуллаевна (2022). ПРОПОЗИТИВ СТРУКТУРА БИЛАН БОҒЛИҚ АЙРИМ МАСАЛАЛАРГА ОИД. Science and innovation, 1 (JSSR), 208-216. doi: 10.5281/zenodo.7315683

6. Хайруллаев, Х. З. (2021). САТҲ ТУШУНЧАСИ ВА УНИНГ ЛИНГВИСТИК ТАБИАТИ. МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ ЯЗЫКА, ОБРАЗОВАНИЯ, ПЕРЕВОДА, 4(2).

7. Туробов, А. (2019). Қадимги ҳинд тилшунослиги хусусида айрим мулоҳазалар. Иностранная филология: язык, литература, образование, (2 (71)), 21-24.

8. Туробов, А. (2020). Оғ „заки ва ёзма нутқ хусусида. Иностранная филология: язык, литература, образование, (3 (76)), 15-16.

9. Туробов, А. (2021). ҚЎШМА СЎЗ–МИКРОСИНТАГМАТИК МУНОСАБАТЛАР ОБЪЕКТИ СИФАТИДА. FILOLOGIYA UFQLARI JURNALI, 6(6).

